

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМДАМОВА СИТОРА САФАРОВНА

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА XIX АСР ОХИРИ XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА
БАДИИЙ АДАБИЁТДА ФАЛСАФИЙ-МАЪРИФИЙ ҒОЯЛАРНИНГ
НАМОЁН БЎЛИШ ФЕНОМЕНИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хамдамова Ситора Сафаровна

Марказий Осиёда XIX аср охири XX аср бошларида фалсафий-маърифий
ғояларнинг бадиий адабиётда намоён бўлиши феномени 3

Хамдамова Ситора Сафаровна

Феномен проявления философских и просветительских идей в
литературе Центральной Азии в XIX-XX веках 19

Khamdamova Sitora Safarovna

The phenomenon of manifestation of philosophical and educational ideas in
literature of Central Asia in XIX-XX centuries 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМДАМОВА СИТОРА САФАРОВНА

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА XIX АСР ОХИРИ XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА
БАДИИЙ АДАБИЁТДА ФАЛСАФИЙ-МАЪРИФИЙ ҒОЯЛАРНИНГ
НАМОЁН БЎЛИШ ФЕНОМЕНИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2PhD/Fal158 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Шермухамедова Нигинахон Арслоновна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Шодиев Рустам Тохирович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Зойиров Эркин Халилович
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "25" ШОҒҒ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош бино, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№21-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил "12" ШОҒҒ куни тарқатилди.
(2021 йил "12" ШОҒҒ даги 21 рақамли реестр баённомаси).




Қ.Б.Шадманов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раис ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.


С.А.Чориев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда учинчи минг йиллик глобал иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги янгиланишлар билан бир қаторда, тинчлик ва барқарорликка раҳна солувчи жиддий таҳдидлар билан ҳам бошланди. Айниқса, инсон маънавий-ахлоқий онгини турли йўллар билан эгаллашга бўлган уринишлар тобора кенгайиб бормоқда. Бир томондан рақамли технологияларнинг ривожини инсон ақли имкониятининг чексизлигини намоён этса, иккинчи томондан инсоният ўз ақли билан яратилган кашфиёт ва ихтироларнинг қурбонига айланмоқда. Шу боис, жаҳонда барқарор тинчликни, халқлар фаровонлигини таъминлаш учун тарихга мурожаат этиш, буюк мутафаккирлар ғояларини ҳозирги давр руҳи нуқтаи назаридан инсониятни ҳамжиҳатликда яшашга даъват этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида бир қатор илмий тадқиқот марказлари томонидан тарихий манбаларни ўрганиш асосида, ҳозирги даврга баҳо бериш, барқарор тараққиётни таъминлашга йўналтирилган келажак йўриқномаларини яратиш бўйича илмий-назарий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод қилган жаҳид мутафаккирларининг гуманистик ва маърифатпарварлик, бадий-публицистик руҳдаги фалсафий-маърифий қарашларини ҳозирги давр ёшларига етказиш ва улар онгига сингдириш бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари долзарб аҳамиятга эга. Зеро, бугунги ахлоқий бузилишлар, маънавий қашшоқлашув ва мафкуравий таҳдидларга чинаккам кураша оладиган баркамол ёшларни шаклланишида маърифатпарварларнинг конструктив аҳамиятга эга бўлган фалсафий-маърифий ғояларини янгича ёндашув асосида илмий тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда фан тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшган маърифатпарварлар маънавий меросини ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”¹. Шу нуқтаи назардан, буюк аجدодларимизнинг хусусан, XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиёда ижод қилган маърифатпарварлар фалсафий-маърифий ғояларининг бадий адабиётда намоён бўлиши ва уларнинг ёшлар маънавий дунёқарашини бойитишдаги конструктив ўрнини бугунги кун нуқтаи назаридан илмий-назарий асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабр, №271-272 (7229-7230). -Б.3.

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида” қарорлари ва 2019 йил 8 апрелдаги ПФ-5465-сон “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Буюк алломалар ижодини ўрганиш, тарихий хотирани тиклаш, XX асрда мамлакатни маънавий таназулдан чиқариш йўлида жон фидо қилган жадиличлик ҳаракати вакилларининг бой маънавий мероси илмий жамоатчилик вакилларини доимий равишда қизиқтириб келган.

Хусусан, XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий ва тарихий вазиятнинг жаҳон цивилизациясининг таркибий қисми сифатидаги аҳамияти хорижлик мутахассислардан А.Демпси, Р.Имам, Ираж Башири, Э.Лазери, А.Маршалл, И.Сиртаутас, М.Ханларнинг тадқиқотларида очиб берилган. Америкалик файласуф олимлар Эдвард Оллвортнинг “Замонавий ўзбеклар. XIV асрдан ҳозирги кунгача”, Миксон Кендиснинг “Бухородаги жадиждар: Садриддин Айний ва Абдурауф Фитрат ислохотларининг қиёсий таҳлили” асарида, АҚШлик социолог Пинар Батур-Ванде Липе ва Жон М.Вандер Липенинг “Ёш усмонийлар ва жадиждилар: Туркия, Кавказ ва Марказий Осиёда ўтмишдаги мунозара ва унинг давомийлиги”, Даниел Киммагенинг “Марказий Осиё: Жадиждизм - эски анъаналарнинг янгиланиши” мавзуларидаги тадқиқотларида ёш маърифатпарварларнинг ижтимоий, сиёсий ва фалсафий ғояларининг моҳияти асосланган. Покистонлик олим Адиб Халиднинг “Мусулмонларни маданий ислоҳ қилиш сиёсати: Марказий Осиёда жадиждилар”¹ асарида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошидаги сиёсий, ижтимоий вазиятда жадиждарнинг қарашлари аҳоли турли қатламлари дунёқарашининг ўзгаришига таъсирини очиб берган. Афғонистонда туғилиб Туркияда яшаётган Аҳат Андижонийнинг

¹Edward A. Uzbek Literary Politics (1964).

“Чет элда Туркистон кураши (жадидчиликдан мустақилликгача)” асарида жадидчилар фаолиятининг ҳозирги даврдаги аҳамиятига эътибор қаратилган.

Бу борада МДХ олимлари, хусусан россиялик олимлар Э.Бертельс “Тарихни ўрганиш бўйича ишларнинг ҳолати тожик адабиёти”, И.С.Брагинский “Форс ва тожик адабиёти тарихидан”, Шамил Шихалиев “XX асрда Доғистонда қадимчилар ва жадидчилар” монографияларида Марказий Осиё маънавий ҳаётининг фалсафий жиҳатларини асослашга ҳаракат қилганлар. Тожикистон олимлари Х.Мирзозода, А.Турсунов,¹ Н.Ғафуров асарларида XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Марказий Осиёда маърифий ғояларнинг бадиий, илмий, тарихий жиҳатлари ёритилган. Қозоғистонлик файласуфлар К.Базарбаев, Р.Садикова, Ҳ.Турсун “Марказий Осиёда таълим тизими” мавзусида, А.Гумадуллаева, М.Рустамбекова “Жадидчилик феномени” мавзусида мақолалар нашр қилган. Қирғизистонлик олима А.Кубатова “Жадидизм Қизғизистонда: унинг ўтмиш ва ҳозирги даврдаги мерос(қадрияти)нинг тарихий қиймати” мақоласини нашр қилган.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ёшлар онгига буюк аждодларимизнинг ўчмас бой маънавий меросини чуқур сингдириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг тарихчи олимлари Д.Алимова, С.Аъзамхўжаев, Э.Каримов, адабиётшунослар А.Алиев, Н.Каримов, Ш.Ризаев, О.Шарафуддинов, И.Ғаниев, Б.Қосимов, файласуф олимлар: Д.Амридинова, А.Айматов, С.Абдивоҳидов, Х.Ашурова, З.Аҳмедова, Г.Маҳмудова, Ш.Мадаева, Б.Эргашев кабилар Марказий Осиёда маърифатпарварларлик ғояларининг тарихий, бадиий, ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ этдилар.

Хусусан, Э.Каримовнинг “Ўзбек адабиётида реализм тараққиёти”² китобида XX асрнинг 70-йилларида жадидчилик ҳаракати янгича талқин этилган. О.Шарафиддинов “Чўлпоннинг 1924 йилда Москвада Маориф уйи қошидаги ёш ўзбек артистларининг маҳоратини ошириш учун ташкил қилинган драматик студиянинг адабий эмакдоши ва раҳбарларидан бири бўлганлиги”³ ҳақида тарихий далилни асослаган. А.Алиев Фитрат асарларини адабиётшунослик ва танқидчилик⁴ нуқтаи назаридан қайта таҳлил этиш ғоясини илгари сурган. Ҳ.Болтабаев “Номаълум Фитрат” мақоласида унинг асарларининг 87 та кўрсаткичини илова қилган бўлса⁵, И.Ғаниев бу кўрсаткични 134 тага етказган ва унинг шеър, ҳикоя ижтимоий наср ва драматургия жанрида яратган асарларини таснифлаган⁶. Ш.Ризаев “Жадид драмаси” асарида Фурқатни биринчи ўзбек театр танқидчиси –санъатшунос сифатида таърифлаган⁷.

¹Турсунов А. «В жизни делал я все, что мечтал бы не делать...» Штрихи к культурологическому портрету Ахмада Дониша и его эпохи // Иран-наме. № 1-2 (41-42). – Алма-Ата, 2017.

²Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. –Т.: Фан, 1975.

³Шарафиддов О. Чўлпон. –Т.: Фан, 1991.- Б.14.

⁴Алиев А. Адабий мерос ва замонавийлик. –Т.: Фан. 1983.

⁵Болтабаев Х. Номаълум Фитрат // Ёшлик журнали.1990 йил №4.

⁶Ғаниев И. Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санат нашриёти. 1994. -Б.135-145.

⁷Ризаев Ш. Жадид драмаси. –Т.: Шарқ, 1997. –Б.30-34.

Ўзбекистон олимлари ташаббуси билан жадидчилик фаолиятини ўрганиш бўйича республикада ва халқаро миқёсда илмий конференциялар ўтказилмоқда. Энг муҳими, жадид маърифатчиларининг асарлари тартибга солиниб, нашр этилмоқда, улар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Масалан, Д.Т.Амридинова “Самарқанд жадидчилик мактаби” (2017) мавзусидаги монографияси, А.Айматов “Абдулҳамид Чўлпон эстетикасининг ғоявий-бадий асослари” (2011), Г.Т.Махмудова “Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик тафаккур тараккиётига таъсири” (1996), Ш.О.Мадаева “Абдурауф Фитратнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари” (1996), Л.А.Муҳаммаджонова “Жадид маърифатпарвар шоирлари – Анбар Отин ва Дилшод Барнонинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари” (2005), Б.М.Очилова “Аждодлар меросига ихлосмандлик ва шахс маънавий-ахлоқий камолоти” (2005), Б.Эргашев “Жадидчилик ижтимоий-сиёсий ғояларининг шаклланиши ва тараккиёти тарихидан. Ёш бухороликлар мафкураси” (1993 йил), Ж.Я.Яхшилик, Н.Убайдуллаева “Жадидчилик ва Бехбудий” (2004) мавзуларида китоблар нашр этилиб, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Шунингдек, ҳуқуқшунослик фанлари бўйича Д.Тошқўзиёв “XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи чораги Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг асосий йўналишлари” мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган (1995).

Бугунги кунда Жалолиддин Афғоний, Муҳаммад Абдо, Мирзо Фатали Охундов асарларида Марказий Осиё маърифатпарварларининг Ғарбий Европа маданиятига муносабати, уларнинг Марказий Осиё маърифатпарварлари ижодига таъсири тадқиқ этилмоқда.

Айни пайтда Марказий Осиёда маърифатчилик ҳаракатини кенг ва чуқур ўрганишни давом эттириш, жадид маърифатчилари бадий ижодида илгари сурилган фалсафий ғояларининг талқинига оид янги тадқиқотларни давом эттиришни даврнинг руҳи тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан мазкур диссертацияда ҳозиргача олиб борилган илмий тадқиқот ишлар мазмунини тадқиқ этиш ва унинг фалсафий аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Қайсики, Марказий Осиёда XIX аср охири XX асрнинг бошларида бадий адабиётда фалсафий-маърифий ғояларнинг намоён бўлиш алоҳида феномен сифатида махсус илмий тадқиқот яратилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-1-69 рақамли “Фалсафа (қўлланилиш соҳаси) мутахассислиги магистрантларининг профессионал компетенциясини юксалтиришнинг ўқув-методик базасини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиё бадий адабиётидаги маърифатпарварлик ғояларининг фалсафий жиҳати

ва уларнинг янгиланаётган ислохотлардаги конструктив аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX аср охири XX аср бошида Марказий Осиё мутафаккирлари бадиий ижодидаги маърифатпарварлик ғояларнинг ҳозирги давр ижтимоий ҳаётидаги янгиланиш жараёнларидаги аҳамиятини очиб бериш;

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги жаҳид маърифатпарварлик ғояларининг фалсафий жиҳатларини асослаш;

Марказий Осиёлик маърифатпарварларнинг Ғарб илм-фанидаги муваффақиятларини ўз юрти тараққиёти билан қиёсий таҳлил қилиш орқали фалсафий асослаш;

Марказий Осиёлик маърифатпарварларни илғор ғояларининг жаҳон адабиёти маърифатчилари ғоялари билан ўзаро алоқадорлигининг фалсафий аҳамиятини очиб бериш ва мавзу юзасидан илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX аср охири ва XX аср бошларидаги маърифатпарварлик ва жаҳидчилик мероси олинган.

Тадқиқотнинг предмети XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек маърифатпарвар-жаҳидларнинг маънавий меросини илмий-фалсафий, қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ўзаро алоқадорлик, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий ва тизимли таҳлил, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги бадиий адабиётлардаги маърифий фалсафий ғояларнинг бугунги шахс маънавий камолотига таъсири “шахс ва жамият”, “шахс ва ижтимоий муҳит” каби фалсафий тамойиллар асосида очиб берилган;

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги маърифатпарварларнинг адабиёт, театр ва мусиқа соҳасидаги фаолиятлари ва ютуқлари миллий характер шаклланишида асос бўлганлиги мантиқий исботланган;

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги бадиий тафаккурда илгари сурилган ижтимоий-сиёсий ислохотлар замонавий демократик жамият қуришда субстанционал асосга эга эканлиги фалсафий асосланган;

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги мумтоз туркий халқлар адабиётидаги маърифатчилик ғояларининг умуминсоний маърифатчилик анъаналари билан муштараклиги ишонарли аргументлар асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири ва XX аср бошларида яратилган бадиий адабиётлар мазмунини ўрганиш натижасида эгалланган билимлардан амалиётда фойдаланиш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий вазиятига мослашиш, тафаккур услубининг янгиланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги маърифатпарварларнинг маънавий меросидан ижтимоий фанлар, хусусан фалсафа, диншунослик, миллий ғоя каби фанларни ўқитиш жараёнида самарали фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

фикр теранлигини шакллантиришда, шахснинг интеллектуал камолоти ва ижтимоийлашувида бадиий адабиёт мазмунидан фойдаланишнинг креатив усул ва воситалари ишлаб чиқилган;

XIX аср охири ва XX аср бошларида илгари сурилган илмий-маърифий ва маънавий-ахлоқий ғоялардан таълим-тарбия ва ижтимоий амалиётда кенг фойдаланишга доир таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, Олий аттестация комиссияси диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатидаги республика ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ишдаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамити шундаки, жадидчилик фаолиятини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишларида, китобхонликни ривожлантириш, бадиий адабиётлар мазмунида акс этган даврнинг руҳини тўғри англаш ва тегишли хулосалар чиқариш билан боғлиқ илмий маърузаларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, бадиий асарлар матни маъносини тушунишнинг шахснинг ташқи олам билан муносабатларини тартибга солиш, бадиий адабиётларни ўқишнинг тарихий воқеликни тўғри талқин қилиш ва йўл танлаш имкониятлари борасида илгари сурилган фалсафий ғоя ва тавсиялардан “Фалсафа тарихи”, “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси”, “Фуқаролик жамияти”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” каби фанлардан услубий ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX аср охири ва XX аср бошларида яратилган бадиий адабиётлар мазмунини ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган ижтимоий тарихий ғояларни тадқиқ қилиш асосида:

бадиий адабиётлардаги маърифий-фалсафий ғояларнинг шахс маънавий камолотига таъсирини ўрганишга оид фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялардан “Фалсафа (қўлланилиш соҳаси) мутахассислиги магистрантларининг профессионал компетенциясини юксалтиришнинг ўқув-методик базасини такомиллаштириш” мавзусидаги А-1-69 рақамли амалий лойиҳа доирасида чоп этилган “Герменевтика” номли ўқув қўлланмада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 8 октябрдаги 89-03-3778-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ўқув

қўлланманинг “Бадий ижод герменевтикаси” ва “Матн герменевтикаси ва когнетив герменевтикаси” каби параграфлари мазмунини ёритишга хизмат қилган;

миллий характер шаклланиши такомиллашувига доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан “Тошкентдаги жадидчилик”, “Маънолар махзани”, “Галактикада бир кун” каби мавзуларда ўтказилган тadbир сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 5 мартдаги 04-13/943-сон маълумотномаси). Натижада, ёш олимлар ва талабаларни китобхонликка кенг жалб этиш, бадий асарлар мазмунини тўлақонли ўрганишга ундаш, уларнинг мақсадли фаолиятини ташкил этиш ва рағбатлантиришга бўлган фаоллигини янада оширишга хизмат қилган;

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги бадий адабиётларда илгари сурилган миллий мустақиллик, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, таълим тизимини ислох қилиш сингари маънавий-маърифий ғоялар замонавий демократик жамият қуришдаги аҳамиятига доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларидан ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Кенгашининг 2014-2019 йилларга мўлжалланган сайловолди дастуридаги “Жаҳолатга қарши маърифат” амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг 2019 йил 17 декабрдаги 02-118-сон маълумотномаси). Натижада, аҳолининг Марказий Осиёда маърифатчилик ғояларини илгари сурган мутафаккирлар адабиётларини ўрганишга бўлган қизиқишларини ортишига хизмат қилган;

мумтоз туркий халқлар адабиётидаги маърифатчилик ғояларининг араб ва форс тилларда ёзилган мумтоз адабиётлардаги маърифатчилик анъаналари билан боғлиқлигига оид таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston teleradiokanali” давлат унитар корхонасининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” сингари эшиттиришларининг дастур сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 10 июлдаги O'z/R-1-136-сон маълумотномаси). Натижада, кенг жамоатчиликга Марказий Осиё жадид мутафаккирларининг маърифатчилик ғоялари ва уларнинг шахс маънавий камолоти учун аҳамиятини етказишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, (жумладан, 4 та республика ҳамда 4 та хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 141 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти асосланган.

Диссертациянинг биринчи боби “**XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Марказий Осиёда маърифатпарварлик ғояларини генезиси таҳлили**” деб номланиб, унда Марказий Осиёда XIX аср охири ва XX аср бошларидаги тарихий ва ижтимоий-маънавий шароит, Мовароуннаҳр мутафаккирларининг гуманистик ғоялари Марказий Осиё маърифатпарварлигининг назарий замини эканлиги асосланган, бу даврда ижод этган буюк сиймолар ғояларининг ривожини очиб берилган.

Муаллиф, Марказий Осиёда XIX–XX асрларга оид тарихий, бадий-фалсафий, этнографик манбаларни таҳлил этиб, улардаги маърифий ғояларнинг шахс маънавий камолотига таъсирини, жамият тараққиётини янги босқичга кўтарилишига ижобий таъсир кўрсатган калом, хадис, мантик, фикҳ, меъморчилик, наққошлик, хунарамандчиликнинг исломий маънавий маданиятнинг тан олинishi ва гуллаб яшнашидаги ўрни таҳлил этилган. Хусусан, XIX–XX асрларга оид тарихий, бадий-фалсафий, этнографик асарларнинг мазмуни тадқиқ этган.

Диссертацияда XVIII–XIX асрларда Марказий Осиёнинг учта хонликка бўлиниши оқибатида ижтимоий сиёсий ва маънавий ҳаёт оғирлашганлиги, бироқ шу даврда яшаган Гулханий, Жунайдулло Ҳозик, Ҳакимхон Тўра ижодида даврнинг таназзули ва ундан чиқишининг йўллари кўрсатилганлигини асосланган.

Таҳлилга кўра, XIX аср Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётида XIX–XX асрларда яшаб ижод этган аз-Замахшарий, Заҳириддин Байҳақийнинг маърифатчилик ғоялари асос бўлган, диний урф-одатлар, шариат йўл-йўриқлари устуворлик қилган. XIX аср Марказий Осиё мутафаккирлари ўтмишдаги мумтоз маданият анъаналарини давом эттириб, маърифатчилик ғояларини илгари сурганлар. Улар ўз даврининг жамиятдаги ижтимоий муаммоларига ноёб манбалардан жавоб излаганлар.

Муаллиф фикрича, Кўкон хонлигида яшаган Маҳмур, Ҳакимхон Тўра, Бухоро амирлигида яшаган Ҳозик ва Аҳмад Дониш каби зиёлилар Марказий Осиё давлатларида фан-маданият ва маънавий ҳаёт инқирозга учраганлигини, жамият ҳаётида жиддий ўзгаришларнинг зарурлигини англаб етганлар.

Диссертацияда XIX–XX асрларда илму маърифат ва даврлардаги жамият таназзули даврида маънавий ҳаёт янгиланишининг омили эканлиги асосланган. Маърифатпарварлар барча одамларнинг ижтимоий тенглиги, юксак

ахлоқийликни таъминлаш зарурлигига оид ғояларини ҳозирги давр учун аҳамияти очиб берилган.

Ушбу бобда XIX-XX асрларда Марказий Осиёда маънавий маданиятнинг умумий кўриниши ҳолатига бадий адабиёт маърифатчилиқ ғояларининг акс этиши масалалари таҳлил этилди.

Хуллас, мазкур тадқиқотлар ва манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Марказий Осиёда маърифатпарварлик ва жаҳидчиликнинг вужудга келиши, бу ҳаракатнинг мақсад вазифалари ва фаолиятини айрим жиҳатларини ёритиб берувчи изланишлар олиб борилган.

Диссертациянинг **“XIX аср охири ва XX аср бошларидаги маърифатпарварлик ғояларининг ижтимоий ва фалсафий мазмун-моҳияти”** деб номланган иккинчи бобида мутафаккир олим Аҳмад Дониш дунёқарашига Европа маданияти ва маърифатининг таъсири, Муқимий ва Фурқат ижодида маърифатпарварлик ғояларининг намоён бўлиши тадқиқ этилган.

Муаллиф Аҳмад Донишнинг ўзбек ва тожик халқининг вакили сифатидаги ижодини даврнинг инқирози нуқтаи назаридан тадқиқ қилган ва унинг ижодига Европа маданияти ва маърифатининг таъсирини очиб берган. Унинг фикрича, Аҳмад Дониш тожик ва туркий халқларни Европа маданияти билан таништирган. У ўзбек, тожик, туркман халқларини жаҳолатдан қутулишга, кўзини очиб, кенг дунёга қарашга даъват қилган. XIX асрнинг 2-яримида яшаб ижод этган мутафаккирлар¹ маърифатчилиқ, таълим, тарбияга доир илғор қарашларини давом эттирган. Аҳмад Дониш Европани кўрмаган бўлса-да, “Навадир ул-вақоеъ” асарида Осиёликлар билан Европаликларнинг ҳаётини таққослаб, европаликлар - фарангларнинг фан, маданият, маориф, ҳарбий санъатда эришган ютуқларини улуғлаган.

Агар баъзи араб, эрон, турк зиёлилари² ўз ижодида Европа ва ислом олами бир-бирига қарама-қарши маданиятлар, бир-бирини ютиб, йўқотишга интилади, деб таъкидласа, Аҳмад Дониш мусулмон халқлари ахлоқ, маърифат, сиёсат ва ҳуқуқни, маърифат ва маданиятни европаликлардан ўрганиши керак, деб ҳисоблаган. У “Фаромушхона” ҳикоясида “Фаранглар бутун дунёни обод қилишни мақсад қилган, шу сабабли улар энг оддий касб-ҳунарларда ҳам мислсиз муваффақиятларга эришдилар, улар шу мақсадидан бир қадам ҳам чекинмайдилар”, “Фарангларни мақсади бутун дунёни обод қилиш, моддий олам сирларини кашф этишдир”³ деб ёзган. Аҳмад Дониш фикрича, Бухоро амирлигининг Европадан иқтисод ва маданият соҳаларида орқада қолганлигининг сабаби амирликда тарих билан қизиқиш йўқлигидир. Фаранглар (европаликлар) ўз тарихига, ўз ўтмишига бефарқ эмаслар. Улар учун тарих янги, яхшироқ ҳаёт қуришда доно мураббий, тарбиячидир.

¹Огаҳий, Мунис, Комил, Махтумқули, Абай Қўнанбоев, Чўқон Валихонов, Тўқдагул Сотилганов, Сиддиқхўжа Ажзий, Бердах, Авазтегин Котибий, Сайид Жамолддин Афғоний.

²Рифоъий ат-Тахтовий, Али Муборак, Франсис Марроший, Бутрус ал-Бўстоний, Аҳмад Касравий, Али Аҳмад, Сайид Ҳусайн Наср, Зарринкуб, Шаҳобиддин Маржоний, Исмоилбек Гаспирли.

³Дониш А. Путешествие из Бухары в Петербург. – Душанбе, Таджикгосиздат, 1960. – Б.88

Фаранглар ўз ўтмишидан намуна олиб, фойдаланадилар. Бухоро амирлигида эса тарихнинг ҳозир учун ҳам, келажак учун ҳам қизиғи йўқ деб ўйлайдилар. Хукмдорлар дунё тарихини ҳам, дин, шариат арконларини ҳам билмайдилар. Улар шариатдан ва адолатдан ўз майл-истакларини муҳимроқ деб ўйлайдилар. Аҳмад Дониш Бухоро амирлигида манғитлар сулоласи (Дониёр, Абдулахад, Музаффар, Насрулло) хукмронлиги давридаги давлат ва ҳуқуқни жаҳолат, нодонлик, ғам-кулфат, қонли урушлар манбаи деб баҳолайди. Петербургда европача давлат тузуми тартибларини кўрган Аҳмад Дониш бундай тузумга ҳавас қилган.

Хуллас, Аҳмад Дониш ижодини тадқиқ этиш унинг, фақат илм, маърифат орқали Марказий Осиёда фаровон ҳаётга эришиши мумкин, илм, маърифат жаҳолат ва нодонлик денгизида чўкаётган кемани қутқара олади, фақат илм, маърифат билан халқнинг оғир аҳволи енгиллашади деган пуръмаъно ғоясини асосли эканлиги хулосага келиш мумкин.

Диссертацияда, Муқимий ва Фурқат бадий ижодидаги маърифатпарварлик ғояларининг ижтимоий таназзулдан чиқиш омили сифатидаги аҳамияти очиб берилган. Муаллиф фикрича, Муқимий лирикасининг ўзига хос хусусияти инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғояларида ҳажв, сатира юксак чўққига етганлигидир. У ҳажвий шеърлятида Жомий, Убайд Зоконий, Аҳмад Дониш издоши бўлиб, “Танобчилар”, “Тўй”, “Авлиё” каби шеърлярида, Махмурнинг “Ҳапалак” шеърляга ёзган мухаммасида меҳнат аҳлининг катта-кичик амалдорлар, давлат хизматчиларининг жабру зулми остида аянчли ҳаёт кечираётганлигини ёритилган.

Диссертацияда Муқимийнинг замондоши, дўсти Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1858-1909)нинг маънавий мероси фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Муаллиф фикрича, Фурқат нафақат Россия фани, маданияти, санъатини улуғловчи, балки Русиянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини қораловчи шеърлар ҳам ёзган. Бу унинг маърифатчилик ғоялари ва манзумаларида¹ намоён бўлади.

Диссертант, Фурқатнинг эстетик қарашларини маърифатпарварлик эстетикаси деб баҳо берган. Унингча, мусиқа инсон руҳининг турли ҳолатларини ифодалайди. Мусиқа инсон дилидаги яширин, пинҳоний ва сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаган ҳолатларни мусиқа ўз “тилида” изҳор этади ва мусиқа билан шеърлят бир-бирисиз яшамайди деган фикрига кўшилади, улар бир-бирига мутаносибдир деб ҳисоблайди.

Хуллас, диссертацияда Аҳмад Дониш, Муқимий ва Фурқат ғояларининг умумий ва фарқли жиҳатлари очиб берилган. Жамиятнинг маънавий янгиланишига маърифат орқали эришиш мумкинлиги Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат ижодининг таҳлили мисолида асосланган.

¹“Гимназия”, “Ил хосияти”, “Виставка”, “Мусиқа базми”, “Рояль”

Диссертациянинг **III боби “Марказий Осиё маърифатпарвар - жадид мутафаккирларининг ижтимоий-маънавий янгилашиш ҳақидаги ғоялари”** деб номланиб, унда жадид маърифатчилигининг жамият барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний ижтимоий-маънавий қарашларининг Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичидаги ўрни таҳлил этилган.

Муаллиф, тадқиқотнинг моҳиятини очиб бериш учун академиклар Б.Г.Гафаров,¹ З.Ш.Раджабов, И.М.Мўминов, М.М.Хайруллаев, В.Зоҳидовнинг асарларига мурожаат этган ва улар таҳлилига таяниб, ўзининг муносабатини асослаган. Муаллиф фикрича, Араб, Эрон ва Турк дунёсида маърифатпарварлик қандай вазифани бажарган бўлса, Марказий Осиёда жадидчилик ҳам моҳиятан айнан шундай тарихий вазифани бажарган. Миср, Туркия, Эрон, Ҳиндистоннинг маърифатпарварлик ҳаракати Марказий Осиё жадидчилик ҳаракатига таъсир кўрсатган, хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мирза Сирожнинг танқидий тафаккури шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, тарихий манбаларда ёзилишича ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш жадидлар фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Улар таълим тизимини ислоҳ қилганлар, янги усулларига эга янги мактабларни ташкил этганлар, дарслик ва таълим дастурлари яратганлар. Шу боис, жадидчилик фаолияти таъсирида жамиятдаги ижтимоий фикр кескин ўзгарган, унинг йўналиши янада ҳаққоний, ҳаётий хусусият касб этган.

Диссертацияда биринчи марта Адиб Халиднинг инглиз тилидаги “Мусулмонларни маданий ислоҳ қилиш сиёсати: Марказий Осиёда жадидчилик” асари мазмуни очиб берилган. Унинг XX аср маърифатпарварларига совет тузуми давридаги қўйилган айбларнинг асосизлигини исботловчи ғоялари юқори баҳоланган. Муаллиф фикрича, Адиб Халид ўзбек ва турк олимларининг жадидлар ҳаракатига оид ғояларини бирлаштирган ва уларнинг диний ва дунёвий билимлар тарғиботчиси сифатидаги фаолиятини очиб берган. Бу эса тарихий ҳақиқатни англаш воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Мактаб ва мадрасаларда таълимни ислоҳ қилиш муаммосини бартараф этиш татар маърифатпарварлари Абу Наср Абдунносир Қурсовий (1765-1813) ва Шихобуддин Маржоний (1848-1889) ижодида ўз ифодасини топган. Барча жадидлар мустаҳкам эътиқодли мусулмон бўлганлари ҳолда, ўша даврда ислом догматикаси ривож топган бўлсада, жамиятнинг тарихий инқирозидан чиқиш йўли маърифат деб ҳисоблаган.

Диссертацияда Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) ижодининг моҳияти алоҳида очиб берилган. Зеро, М.Бехбудий ижодиётида билимсизлик, жаҳолат муайян шахсларнинг фаолияти мисолида қораланганлиги ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятлидир. Муаллиф, Бехбудийнинг тараққий этган мамлакатлар билан яқинлашиш, европача илм-фан ва техникани эгаллаш, ҳаётнинг барча жабҳаларида Ғарб дунёсининг илмий тажрибасидан фойдаланиш учун

¹Гафаров Б. Г. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. Гос. издат.им.Рахима Джалили. - Ходжанд, 2000. С.90

ёшларни Европага ўқишга юбориш лозимлигига оид фикри ҳозирги даврда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган “Эл юрт умиди” жамғармасининг фаолиятида ўз ифодасини топганлигини мисоллар билан исботлайди.

Диссертацияда Абдулла Авлоний (1878-1934)нинг гуманизм руҳидаги ғоялари, унинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарининг таҳлили асосида очиқ берилган. У ушбу асарда маърифатпарвар Саъдий Шерозийнинг (1203-1292) изидан бориб, инсоннинг ахлоқий ҳаётининг қимматини асослайди, исломий ахлоқий кадриятларни рад этмаган ҳолда, ердаги ҳаётни оқлайди. Асардаги одоб, ахлоқ, яхши хулқ, ёмон хулқ, тарбия, ақлий тарбия ва ҳ.к. сингари 65 дан ортиқ ахлоқий категорияларнинг таҳлили¹ ҳозирги даврда замонавий шахс тарбияси учун ҳам аҳамиятлидир.

Тадқиқотчи, Абдулла Авлонийни Аҳмад Дониш ва И.Гаспринский руҳидаги маърифатпарвар шоир деб ҳисоблайди. Унинг маърифатпарварлик ғоялари кўпинча ислохотчилик ёхуд ижтимоий ҳаётни қайта қуриш билан боғлиқ. Романтик орзулар, худди унинг давридаги кўплаб жадидларга хос бўлмагани сингари, унинг ижодий фаолиятига ҳам хос эмас. Зеро, у ўз мамлакатида адолатни тиклашга, ўз даври ижтимоий ҳаётидаги иллатларни бартараф этишга интилди. Бунга Авлонийнинг фикрича, биринчидан, Европа илм-фани ва дунёвий билимларини қабул қилиш, иккинчидан, ўз ўзини англашга интилиш ва ўз ахлоқини поклаш орқали эришиш мумкин.

Хуллас, XIX аср охири XX аср бошларидаги ижтимоий сиёсий шароит таъсирида шаклланган жамиятнинг маънавий янгиланиши негизи маърифат эканлиги, бунга маданиятлараро диалог орқали эришиш мумкинлиги ҳақидаги фалсафий тарихий ғоялар XXI асрда Ўзбекистон Президентининг саъй ҳаракатлари билан давлатлараро сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллатлараро ва динлараро толерантликни такомиллиштириш каби фаолиятида, аҳолининг турли қатламлари тафаккуридаги янгиланишда ўз ифодасини топмоқда.

ХУЛОСА

Марказий Осиёда XIX аср охири XX асрнинг бошларида бадиий адабиётида фалсафий-маърифий ғояларнинг намоён бўлиш феноменини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. XIX-XX аср бошларида дунёдаги инқилобий вазият Марказий Осиёга ҳам таъсир этган, аҳолининг зиёлилар қатламида ўзини ўзи англаш, уйғониш, миллий тикланиш жараёни бошланган.

2. Россиянинг Марказий Осиёни босиб олиши мамлакатнинг ижтимоий ҳаётига иккиёқлама таъсир этган. Бир томондан, маданиятлар диалоги таъсирида ўзбек миллати вакилларининг тафаккури турмуш тарзида

¹ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.//Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т.: Маънавият, 2006. –Б.18.

янгилашиш намоён бўлса, иккинчи томондан, қарамлик сиёсати одамлар руҳига салбий таъсир этган.

3. XIX асрда Аҳмад Дониш ўз ижоди билан ўзбек ва тожик маданиятида ноёб шахс сифатида намоён бўлади. “Наводир ул-вақое” рисоласида унинг маърифатпарварлик ғоялари, замонавий фанлар доирасида билимга эгаллиги, оддий инсонларнинг илмга мурожаати, илм орқали Бухоро аҳлининг ҳаёт тарзини ўзгартириш, бутун Марказий Осиёда диний таълимни қайта шакллантириш ҳамда маърифат тушунчасида ўз халқининг ижтимоий ҳаётидаги асрлик турғунликдан халос бўлишга хизмат қилади. Унинг деярли барча асарларида Европада XVIII асрда бошланган ва кейинчалик жаҳидлар томонидан Марказий Осиёда XIX асрда тадбиқ этилган маърифатпарварлик ғояси сингдирилганидан далолат беради.

4. XIX аср шоирлари Муқимий ва Фурқат маърифатпарварлик ғоялари ўз давридаги ўзбек халқига қайта таълим бериш қабиллидаги ғоясида намоён бўлади. Уларнинг маърифатпарварлик ғоялари асосан русларнинг илғор ғояларига таянган ҳолда шаклланган ва дунёқарашларида ўзига хос танқидий рух, демократизм элементлари намоён бўлган.

5. Муқимий ва Фурқат шеърлятида орқали оддий инсонларга мурожаат этилган ижтимоий фаол бўлишга даъват этувчи ғоялар илгари сурилган.

6. Марказий Осиё халқлари, шу жумладан XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбеклар маданиятида буюк ақлий ва интеллектуал ҳаракат янгиланаётган Ўзбекистонда учинчи ренессанс номи билан қайта тикланди.

7. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний Марказий Осиёда маърифий фаолиятга етакчилик қилдилар ва шу билан бирга келажак маданияти ривожланишига одамлар дунёқарашини ўзгартиришига таъсир кўрсатдилар. Уларнинг таълимга оид ғоялари халқнинг ахлоқий тарихий қадриятларга муносабатини ўзгартирди.

8. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг асарлари турли маданиятларнинг маънавий ютуқлари ўзаро таъсирга асосланган миллий маданиятни бойитишга, замонавий ўзбек маданиятини илғор жаҳон маданияти, илм-фан ва технология билан уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. “Янгиланаётган Ўзбекистонда янгича дунёқараш” эзгу ғояси асосида олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири аждодлар меросини ўрганиш улар ғояларининг тарбиявий аҳамиятини ҳозирги давр ёшларининг онгига етказиш, эгалланган билимлардан мақсадли фаолиятни ташкил этишда фойдаланишга ўргатишни кўзда тутиш.

2. Умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида Марказий Осиё маърифатпарвар-жаҳидларининг ижодий меросини чуқур ўрганиш учун ўқув дастури тайёрлаш, махсус курснинг ўқув дастурини тайёрлаш ва уни тарих,

фалсафа, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавр ҳамда магистратура таълим йўналишларида ўқитишни ташкил этиш.

3. Умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида Марказий Осиё мутафаккирлари, файласуфлари, шоирлари ижодини тизимли ўрганиш, тарғиб қилиш мақсадида “Аждодлар мероси” мобил иловасини яратиш.

4. XIX-XX аср бошларида Марказий Осиё ҳудудида яшаган адиблар, шоирларнинг ижодини ўрганиш мақсадида минтақа мамлакатларининг ёш олим ва тадқиқотчилар иштирокида халқаро конференция ташкил этиш.

5. Театрларимизда жадиждлар томонидан саҳналаштирилган спектакл ва драмаларини намойиш этилишини тизимли йўлга қўйиш.

6. Ички туризмни ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Маърифатпарвар-жадиждлар изидан” туристик лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда сайёҳат ва экскурсиялар ташкил этиш.

7. Маърифатпарвар-жадиждларнинг илмий-ижодий фаолиятларини хорижий тилларда чоп этиришни ва инглиз тилида чоп этилган китобларини Moodle платформасида ўзбекча таржимаси билан жойлаштириш схемасини яратиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАМДАМОВА СИТОРА САФАРОВНА

**ФЕНОМЕН ПРОЯВЛЕНИЯ ФИЛОСОФСКИХ И
ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ ИДЕИ В ЛИТЕРАТУРЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ
АЗИИ В XIX-XX ВЕКАХ**

09.00.03 – История философии

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2PhD/Fal158.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Шермухамедова Нигинахон Арслоновна
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шодиев Рустам Тохирович
доктор философских наук, профессор

Зойиров Эркин Халилович
кандидат философских наук, доцент

Ведущая организация:


Термезский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного Совета по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете № DSc.03/30.12.2019.F.02.02 от "25" июня 2021 года в 14⁰⁰ часов. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самаркандский государственный университет, Главное здание, 1 этаж, 105 аудитория).


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № 21). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Автореферат диссертации распространен "12" июня 2021 года.
(протокол реестра № 21 от "12" июня 2021 года).




К.Б.Шадманов
Заместитель председателя научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

Х.А.Джуракулов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по филос.н.


С.А.Чориев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Третье тысячелетие в мире началось не только с глобальных экономических, политических, социальных и духовных реформ, но и с серьезных угроз миру и стабильности. Особенно широко распространены попытки овладеть духовно-нравственным сознанием человека различными способами. С одной стороны, развитие цифровых технологий демонстрирует безграничность возможностей человеческого разума, с другой - человечество становится жертвой открытий и изобретений, созданных его собственным разумом. Поэтому для обеспечения прочного мира во всем мире, благополучия и духовности народов необходимо обратиться к истории, изучить идеи великих мыслителей в духе современности.

В мировой науке рядом научно-исследовательских центров проводятся научно-теоретические исследования, основанные на изучении исторических источников, оценке текущего периода, создании ориентиров на будущее, направленных на обеспечение устойчивого развития. В частности, научно-исследовательская работа, проводимая по ознакомлению молодежи и воспитанию в их сознании гуманистических и просветительских, художественно-публицистических взглядов мыслителей джадидов конца XIX-начала XX веков, имеет актуальное значение. Ведь сегодняшние моральные извращения, духовное обнищание и идеологические воздействия порождают необходимость научного исследования на основе нового подхода философско-просветительских идей просветителей, имеющих конструктивное значение в формировании эрудированной молодежи, способной реально бороться с идеологическими угрозами.

Изучение духовного наследия просветителей, внесших достойный вклад в развитие науки в нашей стране, увековечение их памяти стало одним из приоритетов государственной политики. “Мы должны обратить особое внимание на привитие в умы молодежи неопредимого наследия наших великих ученых и писателей, наших святых, мужества наших непобедимых полководцев и деятелей, укрепление в них чувства национальной гордости”¹. В связи с этим важное значение с точки зрения сегодняшнего дня имеет научно-теоретическое обоснование философско-просветительских идей наших великих предков, в частности просветителей, творивших в Центральной Азии в конце XIX-начале XX веков, в художественной литературе и их конструктивного места в обогащении духовного мировоззрения молодежи.

Настоящая диссертация в определенной степени послужит выполнению задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП №-4947

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга муурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабр, №271-272 (7229-7230). -Б.3.

от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы”, а также УП-3160 от 28 июля 2017 года “О поднятии на новый уровень повышения эффективности духовно-просветительской работы и развития сферы”, УП-3721 от 12 мая 2018 года “Об организации среди молодежи конкурсов любителей книги в целях широкого изучения и пропаганды творческого наследия наших великих ученых, поэтов и мыслителей”, Распоряжении Президента РУзУП-5465 от 8 апреля 2019 года “О мерах по разработке концепции развития национальной идеи на новом этапе развития Узбекистана”, а также других нормативно-правовых актов, связанных с данной сферой.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное диссертационное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. “Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информированного общества и демократического государства и пути их реализации”.

Степень изученности проблемы. Представители научного сообщества всегда интересовались богатым духовным наследием представителей движения джадидов, которые пожертвовали своей жизнью в XX веке, чтобы изучить труды великих ученых, восстановить историческую память и вывести страну из духовного упадка.

